

ЭЪТИРОФ ВА ЭЪТИБОР

Саломатлик нафақат инсонларнинг, балки жамиятнинг ҳам катта бойлигидир. Чунки саломатлиги яхши, оиласи, фарзандларидан кўнгли тўқ кишининг меҳнати унумли, турмуши фаровон бўлади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан тармоқ кўмитамиз ҳамкорлигида ишлаб чиқилган жамоа шартномаси моҳияти ҳам соҳада фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимлари, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва шу йўл билан аҳолига янада самарали хизмат қилишга йўналтирилган. Сўнги икки йилда бу борада амалга оширилган ишларимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан эътироф этилди. Бу ҳақиқати аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самардорлиги мамлакатимизда биринчи ўринга чиққанлиги ҳам тасдиқлаши мумкин. Бундай катта ютуқ ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ, албатта. Унинг замирида шифокорларимизнинг тинимсиз меҳнати, ташкилотчилиги, бир сўз билан айтганда, ҳамкорликдаги фаолияти ўз исботини топган. Сўнги уч йилда 102 та замонавий қишлоқ врачлик пункти, 15 та шовилинч тиббий ёрдам бўлимлари ишга туширилди. Қарши шаҳрида тиббиёт олийгоҳининг филиали очилди. Шунингдек, 2 та репродуктив саломатлиқни сақлаш Маркази ва 13 та туманга жойлашган репродуктив саломатлиқни сақлаш хоналарида этук мутахассисларимиз соғлом


оилани шакллантириш ниятида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Кадрлар салоҳиятини ошириш, ишбилармон, ташкилотчи ва билимдон ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳисобидан ишимиз бесамар кетма-япти, меҳнатимиз элга манзур бўлмоқда. 1067 нафар врач, 2035 нафар ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш бўлимида ўқитилди. 17 миллион сўм, зарарли шартларда ишлаётган ходимларга эса 5 миллион сўм харажат қилинди. Бундан ташқари, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун 35 миллион сўм моддий ёрдам пули уюштирилди. Шу билан бирга тармоқ ишчи-хизматчиларини соғломлаштириш, фарзандларини дам олдириш ҳам хамиша диққат марказимизда. Утган йили 315 нафар ходим санаторий ва курортларда, 455 нафар болалар ёзги оромгоҳларда имтиёзли хордик чикариб, соғлиқларини тикладилар. Жорий йилда бу борадаги ишлар ҳам мазмун, ҳам сифат жиҳатдан янада яхшиланади.

ларининг 181 та бошланғич ташкилотидан бирлашган 52004 нафар аъзоларининг хизмати ўз аксини топган.

Дарвоқе, ўтган йили жамоа шартномаси шартларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча имтиёзлар учун ҳар бир ходимга ўртача 15588 сўм сарфланди. Бу кўрсаткич давлат муассасаларида 15578 сўм, хусусий секторда 14142 сўм, жамоа корхоналарида эса 17238 сўмни ташкил этди.

Тармоқда ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, хавф-хатарсиз меҳнат шaroитлари яратиш учун 17 миллион сўм, зарарли шартларда ишлаётган ходимларга эса 5 миллион сўм харажат қилинди. Бундан ташқари, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун 35 миллион сўм моддий ёрдам пули уюштирилди.

С.РУСТАМОВА, Кашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма кўмитаси раиси



Табобатда маъданли сув билан даволаш кенг қўлланилади. Шу боис, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган шифо масканларида маъданли сув муолажа сифатида фойдаланилади. Мирзачўл туманидаги Гагарин номи санаторийси ҳам бундан мустасно эмас. У ерда чиқаётган маъданли сув таркиби республикамизда ягона ҳисобланади.

Санаторийда муолажа кўнгилдаги-дек ташкил этилган. Айниқса, балчик, игна каби даволаш усуллари дам олувчиларнинг тез шифо топишида ўз самарасини бермоқда. **Суратларда: санаторий бош пази Гулноз Ҳасанова; физиотерапевт Нилуфар Аминова. Илҳом Тўраев (Ўза) олган суратлар**

ИШОНЧЛИ КАФОЛАТ

Мамлакатимизда барча жабҳаларда бўлгани каби тиббиёт соҳасида ҳам улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад аҳолига жаҳон андозалари даражасида тиббий хизмат кўрсатадиган тиббиёт Марказларини шакллантириш, замонавий тиббий технологияларни кенг жорий этиш, соҳада меҳнат қилаётган шифокор ва тиббиёт ходимларининг иш шaroитларини яхшилаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантиришдир.

Йили 682 миллион 265 минг сўм маблағ сарфланди. Бу эса олдинги йилга нисбатан 424 миллион 433 минг сўм кўпдир. Ёки бошқача айтганда, ҳар бир ходим учун бир йилда ўртача 22096 сўмлик хизмат кўрсатилган. Бу олдинги йилга нисбатан 2,7 баробар кўп. Шунингдек, тармоқ кўмитамиз соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳам-

эти. Уларда 32 та иш ўринлари яратилди. 1644 нафар ҳамшира ва 384 нафар шифокорлар малакасини оширилди. Обод маҳалла йилида эса ишимиз сифат ва мазмун жиҳатдан бойиди. Тармоқ келишувлари ҳам мукамаллашди. Унга асосан тармоқ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш таъминланди, бу борада ташкилот ва корхона раҳбарларининг маъсулияти оширилди. Шунингдек, юқори ташкилотлар томонидан корхонанинг тугатилиши ёки иш ўринларини қисқариши туфайли ходимларнинг вазифасидан озод қилишда қонуний меъёрлар белгиланди. Бундан кейин иш ҳақи кечиктирилмаган бўлса, ҳар бир кун учун тўланиши лозим бўлган сумма индексация қилинди.

Бундан ташқари меҳнат қашларга қулай иш шaroитларини яратиш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш, зарарли иш шaroитида ишлаётганларни сўт-қатиқ, махсус кийим-бош билан таъминлаш ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг асосий йўналишини ташкил этади. Янги бозор тумани Питнак шаҳар марказий шифохонаси, вилоят шовилинч тиббий ёрдам маркази, Урганч шаҳар марказий ва 2-3-поликлиникаларда шифокор ва электр асбобларини ишлатувчи ходим-

Маълумки, Хоразм Оролбўйи ҳудудида жойлашган. Шу боис вилоятимиз аҳолисининг тиббий муолажаларга эҳтиёжи бошқа минтақаларга нисбатан бир неча баробар ортук. Вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма кўмитаси фаолияти ҳам асосан аҳоли саломатлигини тиклаш, тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлиги, оиласи, фарзандлари учун гамхўрлик кўрсатиш, имкон қадар меҳнат шaroитларини яхшилаш, ҳаётларига мазмун бағишлашга йўналтирилган. 79 та бошланғич ташкилотда ишлаб чиқилган жамоа шартномаларида 30.689 нафар тармоқ ходимларнинг қонуний ҳақ-хуқуқлари ўз аксини топган. Шартнома шартларига буюн меҳнатни рағбатлантириш, ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътилар бериш, янги иш ўринларини очиб, оилаларга эътиборни қўйиштириш каби ўнлаб тадбирлар амалга оширилди. Бунинг учун ўтган

корликда ходимларни иш билан таъминлаш ва ишсизликни олдини олиш, шу билан бирга олис қишлоқларда тиббий хизмат даражасини юксалтириш мақсадида 11 та қишлоқ врачлик пункти ишга туширишда фаол иштирок

қилди. Рентген хоналарида ишлаётганлар махсус кийим-бош билан таъминланмагани кўмитамиз томонидан аниқлашиб, бу камчилик ўз вақтида тўзатилиши учун мустақад раҳбарларга тақдимнома киритилди. Вилоят кўмитамиз тармоқда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг болаларини соғломлаштиришда ҳам хамиша гамхўр. Кейинги уч йилда тармоқ ишчи-хизматчиларининг 1000 нафардан ортук фарзандлари имтиёзли ва бепул йўлланмалар билан «Шифокор» санаторий типидagi оромгоҳимизда саломатликларини тиклаб, дам олдирилди. Хуллас, амалга ошираётган барча ишларимиз мезонини эл саломатлиги йўлида бирга ва беором, шу билан бирга беминнат меҳнат қилаётган фидойи шифокорлар, ширин сўз, меҳрибон ҳамширалар, тармоқда ишлаётган барча ходимлар манфаатини ҳимоялашдек эзгу ишлар ташкил этади. Зеро, кўнгли халатидек олпоқ эзгулик фаршталари - шифокорларга қанча хизмат қилсақ ҳам оздир.

Б.МАТКАРИМОВ, Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма кўмитаси раиси

БУ БИР МАСКАНКИ

Мусаффо тоғ ҳавосига бой Учкўрган туманидаги «Нихол» санаторийсини билмаган одам водийда кам топилади. Мен ҳам унинг довуғини эшитиб, соғлиғимни тиклаш мақсадида сихатгоҳга ташриф буюргандим. Бу ерда даволанувчилар учун жуда кўп табиий қулайликлар мавжуд экан. Сихатгоҳнинг шундоқ ёнгинасида Норин дарёси ўзани оқиб ўтади. Шовқин-суронсиз мухит, серсоя дов-дароҳ ва гўзал фаворалар киши руҳига ором бағишлайди. Айниқса, 2245 метр чуқурликдан отилиб чиқувчи шифобахш маъданли сув таърифига тил ожиз. Даволаш маскани доришуносларнинг халқ табобатидан фойдаланган ҳолда кишилар дардига малҳам бўлаётгани ҳам таҳсинга сазовордир.



НОГИРОНЛАР ТЕКИН ДАВОЛАНИШАДИ

Саломатлик - туман бойлик, дейди халқимиз. Бу фикрнинг тўғрилигига шубҳа қилмас ва ҳам бўлади. Нима бўлди-ю, жиянимнинг қулоғи оғриб қолди. Уйда бари-катталар нима қилишимизни билмаймиз дегн. Жонимизга дугонанинг кўнгираги оро кирди. У воқеани эшитган, шундай маслаҳат берди: — Кўп қонунманг. Фарход бозори яқинида «Лор - сервис» бор. Уша клиникада Омонулла ака деган дўхтир ишлайди. Уша кишига учрашинг, ёрдам беради. Дугонанинг тавсияси билан болани Омонулла ака ҳузурига олиб бордик. Унинг дардига шу ерда даво топилиди, кўрмагандай бўлиб кетди. Шу баҳона қўли ёнгил шифокор билан яқиндан танишиб, суҳбатлашиб қолдим. Биз касалликларнинг келиб чиқиши, дардини зўрайтирмасдан, аввало унинг олдини олиш, саломатлигини асраш борасида тиббиётнинг ўрни ҳақида сўзлашдик. Гап орасида унинг Мозамбик давлатида ишлаган

лигини, малакали тиббий хизмат кўрсатгани учун мамлакат президентининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланганини билиб олдим. — Мен хориждаги ҳамкасбларимнинг ишларини кузатар эканман, уларнинг дардини тўғридан-тўғри даволашдан кўра унинг олдини олиш, касаллик профилактикаси катта ўрин тутишига ғувоҳ бўлдим, — дейди суҳбатдошим. — Аслида ҳам шундай. Дардини даволашдан кўра унинг олдини олиш қулай. Бунда вақт ҳам, маблағ ҳам тежаллади. Қолавера, хусусий тиббий хизмат учун ҳақ тўлашни ва доридармонларни қимматлигини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. — Омонулла ака, мана, сиз хусусий тиббий хизмат ҳақида тўхталдингиз. Айтийлик, бир беморнинг чўнтағида ҳемири йўқ, касал бўлиб қолди ва лекин, дард пулинг борми йўқми, деб сўраб келмайди-ку. Бундан ташқари ногирон, кам таъминланган тоифадаги кишилар бор. Уларга клиникангизда имтиёзлар жорий қилинганми? Биз шифокорлар Гиппократ қасамини қабул қилганлигимизни ёдда тутишингизни сўрардим.

Бу ўринда пул ҳақидаги гап ўринсиздир. Кейин клиниканинг ногиронлар текинга даволанади. Кам таъминланган оилалар, талабалар, пенсионерлар ҳам бундан мустасно эмаслар. — Шифохонангизда ётиш ўринлари ҳам бор. Нима, стационар муолажаларини ҳам назарда тутганмисизлар? — Албатта. Дастлаб клиника очилганидан шундай тартиб жорий қилинган. Тонзилит, гайморит каби жарроҳлик йўли билан даволанадиган касалларга дарҳол уйга жавоб бериб бўлмаслиги учун шундай қилганмиз. — Келажакда ниятларингиз қандай? — Аввало, клиниканинг кенгайтириш қисми. Бизнинг соҳамизга яқин мутахассисларни, яъни невропатолог, стоматолог хизматларини ташкил этиш, ўринлар сонини кўпайтириш, физио-муолажаларни янада кенг жорий этиш каби ниятларимиз бор. Яна кўнгли тубида бир ниятнинг бор: қулоқ, бурун ва томоқ касалликларини даволашдаги тажрибаларни жамлаш, бундан келиб чиққан ҳолда, даволашда янги-янги усулларни қўллаш. Тилагим - халқимиз хамиша соғ бўлсин. Эли соғ-саломат бўлган мамлакатнинг эртаси порлоқ, қадди тик бўлади.

МЕҲР БОР ЖОЙДА...

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидagi даволаш профилактика муассасаларида жами 6238 врач, 22498 нафар ўрта тиббиёт ходимлари, 6814 нафар талабалар ва 17206 нафардан ортук ходимлар меҳнат қилишади.

Вилоят кўмитасининг иш режасида, тузилган жамоа келишуви ва шартномаларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга соғлом меҳнат шaroитини яратиш каби масалалар ўз ифодасини топган. 2002 йилда жамоа шартномалари шартларини бажариш учун 862505,3 минг сўм, ҳар бир ходимга ўрта ҳисобда 16364 сўм сарфланган. Шунингдек, жамоа шартномаларидаги тадбирни ўтказиш учун сарфланган маблағ ўтган йилларга нисбатан ҳар бир ходимга 20,4 фоизга кўпайган. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 834 та тадбир ўтказилиб, унга 49 миллион 470 минг сўмдан ортук маблағ сарфланган. Утган йили республика миқёсидаги сихатгоҳларда 244 нафар ходим соғломлаштирилди. Илғор, малакали мутахассисларга 18 та йўлланма имтиёзли, бепул

врачлик пунктлари ишга туширилди, 30 та қишлоқ врачлик пунктлари қайта лоийҳалаштирилди. Тармоқ кўмитамизда кам даромадли оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган кексаларга меҳр-саховат кўрсатишга алоҳида эътибор берилади. Шу ниятда 340 нафар ногирон, кўп болани, кам таъминланган оилаларга маъмурий томонидан 980 минг сўмлик, касба уюшма кўмиталари томонидан 240 минг сўмлик совға-саломнинг йанбон этилиб, моддий ёрдам кўрсатилди. Қаердаки ишчи-хизматчиларга яхши шaroитлар яратилса, меҳнати рағбатлантирилиб, саломатлиги, оиласи, фарзандлари ҳақида гамхўрликлар кўрсатилса, ўша ерда иш унуми яхши бўлади. Тармоқ кўмитамиз иш фаолияти ана шу муҳим омилига қаратилган.

К.НАИМОВА, Анджион вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма кўмитаси раиси

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Греция пойтахтида Европа Иттифоқининг навбатдаги саммити бошланди. Унда ЕИга аъзо 15 мамлакат раҳбарлари иштирок этмоқда. Саммитда муҳим халқаро масалалар, jumладан, қонуний муҳожирилик муаммоси муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Италия парламентини янги қонун қабул қилди. Унга буюн мамлакатнинг беш раҳбари - президент, парламентдаги икки палата раислари, бош вазир ва конституциявий суд раисига суд иммунитетини берилади. Эндликда мазкур лавозимдаги шахслар ваколат муддати тугамагунча жиноий жавобгарликка тортилмайди.

АҚШ Мьянмага нисбатан жазо чораларини қучайтиришини эълон қилди. Давлат котибининг демократия, меҳнат ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ўринбосари Лорн Крейнернинг маълум қилишича, Оқ уй мазкур мамлакат ҳукумати аъзоларининг банклардаги ҳисоб рақамларини ҳаракатдан тўхтатиб, савдо ва иқтисодий алоқаларга чек қўйиш мумкин. Айни вақтда АҚШ томони Мьянма раҳбарларига кириш визасини беришни тўхтатган.

ЕВРО: ЎСИШНИНГ ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

Жаҳон валюта биржаларида евро қиймати бошқа валюталарга, хусусан, АҚШ долларига нисбатан кескин кўтарилмоқда. Хўш, евронинг қимматлашуви қандай натижаларга олиб келади? Мутахассисларнинг фикрича, евронинг қимматлашуви яқин келажакда Европа иқтисодийига зарар келтириши мумкин. Бу Европа компаниялари маҳсулотларининг рақо-

батбардошлиғи пасайиб кетаётгани ва бошқа бир қатор сабаблар билан изоҳланади. Чунки, евронинг қимматлашуви Европада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига қимматлашуви олиб келади. Натижада уларнинг экспорт имкониятлари пасаяди. Европа иқтисодийи эса асосан экспорт ҳисобига ривожланиб келган. Бироқ айни вақтда мутахассислар узоқ вақтдан кейин евронинг

мустаҳкамлашиши еврозона мамлакатлари иқтисодиёти учун ижобий натижа келтиришини ҳам таъкидлаётди. Ixis Capital Markets депозит газнаси мутахассиси Флоранс Беранже евронинг долларга ва бошқа валюталарга нисбатан қимматлашуви Европа мамлакатларида пулнинг қадрсизлигини даражасини камайитишини башорат қилмоқда. Яъни, эндиликда еврозона мамлакатлари ўз валютасига четдан кўпроқ маҳсулот келтириш имкониятини қўлга киритади. Шунингдек, мазкур жаҳон Европа марказий банкнинг таъсир доираси ва фаолият қўламини ҳам муайян даражада кенгайтириб, фойз ставкаларини камайитиришига шaroит яратиши мумкин. Евро мустаҳкамлашининг

Н.ЎЛЖАБОВ, Ўза шарҳловчиси

Шарҳловчи минбари

